

**«Капиталбанк» АТБ да юридик шахслар
ва якка тартибдаги тадбиркорларга
Комплекс банк хизматлари қўрсатиш
бўйича Келишувга
3-Илова**

**“Internet Банк-Клиент” тизимида хизмат қўрсатиш
Тартиби**

I. ҚЎШИМЧА АТАМА ВА ТАЪРИФЛАР:

1.1. Мазкур тартибда қўйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

IBM – «Internet Банк-Мижоз»;

Тартиб – мазкур «Internet Банк-Мижоз» тизимида хизмат қўрсатиш Тартиби. Мазкур Тартиб Банк Сайтида жойлаширилган;

Иш қоидалари – kapitalbank.uz сайтида жойлаширилган, мазкур Тартибнинг 1-сонли иловаси бўлган ва унинг ажралмас қисми бўлган «Internet Банк-Мижоз» тизимини ишлатган ҳолда “Капиталбанк” АТБ да Юридик шахсларга масофавий банк хизматларини қўрсатиш Қоидалари бўлиб, умумфойдаланишдаги Интернет тармоғи орқали Банк томонидан тақдим этиладиган IBM хизмати воситасида Мижоз ва Банк ўртасида электрон хужжат айланиши бўйича ўзаро муносабатларни белгилайди;

“ANOR” ТТТ – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “ANOR” тезкор тўловлар тизими. Банк “ANOR” ТТТ иш қобилияти учун ва у орқали ўтказилган тўловлар учун жавобгарликка эга эмас;

Тўлов топшириқномаси – Мижознинг ўз ҳисобварағидан топшириқномада белгиланган маблағларни олувчининг ҳисобварағига ўтказиш бўйича Банкка топширигини назарда тутувчи ҳисоб-китоб хужжати.

1.2. Мазкур Тартиб матнида қўлланиладиган атама ва таърифлар Иш қоидаларида келтирилган.

1.3. Мазкур Тартибда қўлланиладиган бошқа атама ва таърифлар Келишувда қўлланиладиган маъно билан бир хил маънога эга.

II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Мазкур Тартиб, мижоз томонидан шахсан имзоланган Аризага асосан Томонлар учун мажбурий тус олади (кучга киради) ва бунга мувофиқ Мижоз IBM тизимини қўллаган ҳолда Мижознинг ҳисобварақларига электрон усул орқали хизмат қўрсатиш мажбуриятини Банкка тақдим этади, Банк эса қабул киласди.

2.2. Мазкур Тартиб, Келишув, Банк Тарифлари ҳамда Ариза биргаликда Мижоз ва Банк ўртасида тузилган «Internet Банк-Мижоз» тизимида хизмат қўрсатиш шартномасини (кейинги ўринларда — «Шартнома») ташкил этади.

2.3. IBM тизими орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишда Мижоз томонидан электрон ҳисоб-китоб хужжати сифатида факатгина Тўлов топшириқномаси берилиши мумкин. Мижознинг депозит ҳисобварағига одатий тартиб қўлланиладиган (Банкка қоғоз шаклидаги хужжатнинг асл нусхаларини тақдим этиш орқали) бошқа турдаги ҳисоб-китоб хужжатларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб хизмати қўрсатилиши Банк томонидан Томонлар ўртасида тузилган миллий ва хорижий валюталардаги банк ҳисобварақлари Шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.4. Тизим билан ишлашда ягона вақт шкаласи сифатида Тошкент вақти қўлланилади. Назорат вақти сифатида эса ЎР МБ аппарат воситаларининг тизим соатлари вақти қабул қилинади.

2.5. Томонлар Ўзбекистон Республикасининг “Электрон хужжат айланиши тўғрисида”ти Қонунига мувофиқ электрон хужжат қоғоз хужжатга тенглаштирилиши ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлиши тўғрисида хабардор.

2.6. «Internet Банк-Мижоз» тизимида уланиш учун Мижоз томонидан берилган Ариза Мижоз Иш қоидалари билан танишганлиги ва розилигини билдиради.

III. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банкнинг мажбуриятлари:

3.1.1. Мижоз томонидан алоқа каналлари орқали юборилган, барча шифрация ва дешифрация талабларига жавоб берадиган ҳамда ЭРИ билан тасдиқланган, унга тегишли ҳисобварақдан бошқа ҳисобварағига, шунингдек, бошқа шахсларнинг ҳисобварақларига ўтказиш тўғрисидаги Тўлов топшириқномаларини ижро учун қабул қилиш. Мижознинг электрон Тўлов топшириқномалари бўйича тўловлар Мижоз ҳисобварағидаги мавжуд маблағлар доирасида амалга оширилади.

3.1.2. Мижозга ахборотни IBM тизими орқали узатиш учун зарур бўлган электрон калит(лар) билан ЭРИ тақдим этган ҳолда Мижозни IBM тизимида улашни амалга ошириш. Электрон калит(лар)ни топшириш, томонлар томонидан имзоланадиган ва ушбу Тартибнинг ажралмас қисми ҳисобланган (ушбу Тартибнинг 2-сон иловаси) IBK тизими учун мўлжалланган ЭРИ курилмасини қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси асосида амалга

оширилади. Электрон калит(лар) фақатгина, имзо ва муҳр намунаси карточкасига мувофиқ банк ҳужжатларида биринчи ёки иккинчи имзо хукуки тақдим этилган шахсга топширилади.

3.1.3. Мижоздан ўрнатилган талабларга мувофиқ бўлган Тўлов топшириқномалари (Мижоз томонидан «ANOR» ТТТ дан фойдаланиш ҳолатлари мустасно) олинганда, тўловларни ушбу Тартибнинг 3.1.4-бандида кўрсатилган муддатларда амалга ошириш. Агар Тўлов топшириқномалари белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаса, ёки ЎР МБ АБМ томонидан яроқсиз топилса, ёки Мижоз ҳисобварағида ҳужжатни ўтказиш учун учун етарли маблағ миқдори мавжуд бўлмаса, Банк топшириқномалар бажарилмаганлиги тўғрисида алоқа каналлари орқали Мижозни хабардор килади. Бунда, Банк Мижоз топшириқномаларининг бажарилмаганлиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди;

3.1.4. Хар куни соат 9-00 дан бошлаб банк амалиёт куни якунлангунга қадар (дам олиш ва байрам (иш куни бўлмаган) кунларидан ташқари) алоқа каналлари орқали Мижоздан ҳисоб-китоб ҳужжатларини қабул қилиш. Бунда, «ANOR» ТТТ орқали тўловлар 24/7 режимида, яъни сутка давомида узлуксиз амалга оширилади;

3.1.5. ЎР МБ АБМ ёки SWIFT ҳалқаро тизими орқали Мижоз фойдасига келиб тушадиган тўловлар ёки (Мижоздан) чикқан дастлабки тўловлар бўйича тасдиқларни олганда, уларни Мижознинг ҳисобварақлари бўйича тегишли зарурӣ операцияларни амалга ошириш;

3.1.6., IBM тизими орқали юборилган Мижоз сўровига биноан, кун давомида (Мижоздан) чикувчи ва (Мижознинг ҳисобварағига) кирувчи тўловлар бўйича маълумотларни Мижозга электрон шаклда юбориши. Шунингдек, менюнинг алоҳида бўлимида тегишли давр учун Мижознинг шахсий ҳисобварағи бўйича, тегишли иловалар билан бирга кўчирмалар шакллантирилади;

3.1.7. IBM тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ ва Мижозга ҳисоб-китоб хизматини кўрсатишга бевосита алоқаси бўлган бошқа масалалар бўйича техник ва дастурий мадад кўрсатиши;

3.1.8. Банкка ишониб топширилган пул маблағларининг сақланишини таъминлаш. Агар Мижоздан ЭРИни йўқотиш ёки унга номаълум шахслар томонидан рухсатсиз фойдаланиш ҳолати юз бергани ҳақида расмий ёзма хабар келиб тушса, Банк ушбу ЭРИ билан имзолangan Тўлов топшириқномалари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш ҳамда келиб тушган бундай ҳужжатлар ҳақида бу ЭРИга эга бўлган Мижознинг масъул шахсларини хабардор қилиш мажбуриятини олади.

3.2. Мижознинг мажбуриятлари:

3.2.1. Ўзбекистон Республикасининг валюта қонунчилиги ва нақдиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги қонунчилиги, Шартнома ва Иш Қоидалари талабларига риоя қилиш;

3.2.2. Тизимда белгиланган иш технологияси, тўлов ҳужжатларни киритиш ва узатиш тартиби, хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, шунингдек IBM тизими орқали ҳисоб-китобларда ахборотни ҳимоя қилиш талабларини бажариш;

3.2.3. IBM тизими орқали маълумотларни узатишда Банк томонидан вақтинчалик ва бепул фойдаланиш учун берилган электрон шифрлаш калитларидан фойдаланиши;

3.2.4. IBM тизими бўйича хизматлар учун Банк Тарифларига мувофиқ ўз вақтида тўловни амалга оширишини таъминлаш;

3.2.5. Банкдан олинган электрон шифрлаш калитларини тўғри фойдаланиш, уларни сақлаш ва Шартнома бекор қилинган ёки тугатилганидан сўнг 3 (Уч) иш куни ичida Қайтариш далолатномасига (мазкур Тартибга 5-сон илова) мувофиқ қайтариш, уларни учинчи шахсларга бермаслик, шу каби қурилмалардан фойдаланиш қоидалари ва ўғирлик, жисмоний (физик) ва электрон шикастланиши, ишдан ичишишининг олдини олиш бўйича эҳтиеткорлик чораларига риоя қилиш;

3.2.6. IBM тизимида уланиш /фойдаланувчини ўзгартириш бўйича аризада (мазкур Тартибга 3-сон илова) кўрсатилган ва тегишли буйруқ билан қайд этилган лавозим мажбуриятларига мувофиқ IBM тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўлган Мижознинг ишчиларидан ташқари ҳар қандай бошқа шахсларга IBM тизимидан фойдаланиш имконини бермаслик;

3.2.7. IBM тизими орқали ҳисобварақдан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш (ўчириш) учун тўлов топшириқномаларини ўтказишда, зарур бўлганда, шунингдек Банк талаби асосида ўтказилаётган операция тўғрисида кўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни жўнатиш (Мижоз томонидан «ANOR» ТТТдан фойдаланиш ҳоллари бундан мустасно);

3.2.8. Мазкур тизимдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган Мижознинг ишчиларини Иш Қоидалари билан танишириш ва улар томонидан ушбу Иш қоидаларига риоя қилиниши бўйича, шунингдек Томонларнинг ушбу муносабатларини тартибга солувчи норматив ҳужжатларга ва «ANOR» ТТТ орқали тўловларни ўтказиш қоидаларига риоя қилиниши бўйича Мижознинг раҳбари ва бош бухгалтери жавобгар;

3.2.9. IBM тизими / «ANOR» ТТТ дан фойдаланиш орқали амалга оширилган шубҳали (гумонли) операциялар аниқланган ҳолда, жойлашган жойи (почта манзили) ёки Шартномада кўрсатилган манзил бўйича уларнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ёки ёзма тушунтиришни тақдим этиш;

3.2.10. Калит йўқолгани, шикастлангани ёки қайтаришмагани учун мазкур Тартибнинг 3.11. бандига мувофиқ жарима ушлаб колинганда, Мижозга янги шифрлаш калити маҳсус ҳисобваракдаги маблағларни мазкур Тартибнинг 3.11. бандида кўрсатилган минимал қолдиқ даражасигача тўлдирилгандан сўнг тақдим этилади;

3.2.11. Шартнома мажбуриятларини тегишли тартибда бажарилишини таъминлаш мақсадида, Мижоз IBM тизимида хизмат кўрсатганлик учун хизматлар хақи учун олдиндан тўлов сифатида Банкда очилган 22896 800-сонли маҳсус ҳисобваракда, Тарифда назарда тутилган миқдорда минимал (энг кам) камаймас қолдиқ миқдорида пул маблағларини захира қиласди. Мазкур ҳисобваракдаги пул маблағлари, минимал камаймас қолдиқдан ортиқча миқдор доирасида ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар учун акцептсиз тартибда ҳисобдан чиқариб (ундириб) борилади. Минимал камаймас қолдиқ фақатгина Мижознинг айби билан электрон шифрация калити йўқотилганда ёки жиддий шикастланганида, ёки Шартнома бекор қилинганида/тугатилганида ишлатилиши мумкин ва бунга Мижоз ўзининг қайтариб олинмайдиган сўзсиз (низосиз) хукукини беради. Бундай ҳолларда, Банк минимал камаймас қолдиқ миқдоридаги суммани электрон шифрация калитини йўқотгани/шикастлагани/қайтармаганлиги учун жарима сифатида акцептсиз (суддан ташқари) тартибда ҳисобдан чиқариб (ундириб олиш) хукуқига эга. Шартнома бекор қилингандан, жарима мавжуд бўлмаса, минимал камаймас қолдиқ суммаси шунингдек акцептсиз (суддан ташқари) тартибда IBM тизимида хизмат кўрсатганлик учун хизматлар хақи бўйича қарздорлини сўндириш учун йўналтирилиши мумкин. Агар Шартнома бекор қилингандан, жарима ёки хизматлар учун қарздорлик мавжуд бўлмаса, маҳсус ҳисобваракдаги ушбу маблағлар қолдиги 3 (Уч) иш куни ичida Мижозга унинг талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварагига қайтарилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 783-моддасига мос равиша, Мижоз юқорида кўрсатилган ҳисобваракда мавжуд бўлган пул маблағларини мазкур Тартибда кўрсатилган ҳолларда Банк томонидан кейинчалик акцепт (тан олиш)сиз ҳисобдан чиқаришига (ечиб олишига) бўлган хукукини тақдислайди. Шу билан биргаликда, Томонлар Тартибнинг мазкур банди миллий валютадаги банк ҳисобвараги шартномасига қўшимча келишув ҳисобланиши бўйича келишиб олишида.

3.3. Томонлар маҳфийликка риоя этишлари ва маълумотларни бошқа томоннинг ёзма розилигисиз тарқатмасликлари шарт, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

3.4. Томонлар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва Келишувда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

4.1. Банк қўйидаги хуқуқларга эга:

4.1.1. Мижоз томонидан ИБК тизимида фойдаланиш ва ахборотни химоя килиш қоидалари, ёки Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари бузилганида, шунингдек Иш Қоидалари, мазкур Тартиб ва КБХШ талабларига риоя қилинмаганда, Мижозни ИБК тизимида фойдаланиш хуқуқидан маҳрум қилиш.

4.1.2. Иш Қоидаларига ўзгаришиларни бир томонлама киритиш. Бунда, Банк ўзгаришилар киритилиши ҳакида Мижозни ўзгаришилар киритишдан камида 5 (беш) банк иш куни аввал, Банкнинг танловига кўрса исталган усууллар билан: банк биносида эълон жойлаштириш, ёзма мурожаат билан, Банк сайтида ёки оммавий ахборот воситаларида эълон бериш ёки бошқа усууллар орқали ёзма равища огоҳлантиради.

4.1.3. аппарат воситаларини ва коммунакация воситаларини кўллаб-қувватлаш бўйича профилактик ишлар олиб борилганда, Мижоз томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Иш Қоидаларига зид операциялар амалга оширилганда, шунингдек IBM тизимида фойдаланиш учун Банк Тарифларида белгиланган абонент тўлови ўз вақтида тўланмаганда ёки кечикирилганда, IBM тизимида киришни бир томонлама чеклаш ёки вақтинча тўхтатиш.

4.1.4. IBM тизими учун ЭРИ қурилмаси ускунасини қабул-қабул далолатномасини имзолаган шахс ўзгарган тақдирда, электрон калит(лар), имзо ва муҳр намунаси карточкасига мувофиқ банк хужжатларида биринчи ёки иккинчи имзо хукуқига эга бўлган янги шахсга қайта рўйхатдан ўтказилмагунча, бир тарафлама Мижозни IBM тизимидан узиб қўйиш.

4.1.5. IBM / «ANOR» TTT орқали Мижоз томонидан шубҳали (гумонли) операцияларни амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда, шу куннинг ўзида Шартномани бир томонлама бекор қилиш (унинг ижросини тўлиқ рад этиш) ёки Мижоздан амалга оширилган операцияларнинг қонунийлиги юзасидан ёзма тушунтириш олингунга қадар IBM тизимида хизмат кўрсатишни вақтинча тўхтатиб туриш.

4.1.6. IBM / «ANOR» TTT тизимида фойдаланувчи Мижоз томонидан шубҳали (гумонли) операциялар ўтказилганда, Мижознинг жойлашган (почта) манзили ёки Келишувда кўрсатилган манзили бўйича ўрганиш, шунингдек ҳисоб-китоб хужжатларининг расмийлаштирилишини, уларнинг ваколатли шахслар (раҳбар, бош бухгалтер) имзоси билан тасдиқланганлигини, ушбу хужжатлар асосида пул ўтказмалари бевосита ЭРИ учун бевосита хукуқка эга бўлган шахс тасдиғидан кейин амалга оширилганлигини, мазкур хужжатларнинг сакланишини текшириш.

4.1.7. IBM / «ANOR» TTT тизимида фойдаланган ҳолда шубҳали (гумонли) операциялар амалга оширилган ҳолларда, бир тарафлама хизмат кўрсатишни номаълум муддатга тўхтатиб туриш.

4.1.8. IBM хизмати / «ANOR» ТТТ дан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш максадида фойдаланилаётгандынинг асосланган шубҳалари мавжуд холларда, Шартномани бир тарафлама бекор қилиш (унинг ижросини тўлиқ рад этиш).

4.1.9. Кўйидаги холларда, Мижозни IBM / «ANOR» ТТТ тизимидан фойдаланишдан бир тарафлама узидан кўйиш (хизматларни тўхтатиши):

- ҳисобварагидаги пул маблағларига таъќик (арест) қўйилганда, ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган холларда ҳисобвараги операциялари тўхтатиб турилганда;

- 30 (үттиз) кундан ортиқ 2-сонли Картотека мавжуд бўлганда;

- 1 (бир) ой мобайнида фаолият юритилмаганда ва бир вақтнинг ўзида талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварагидаги пул маблағлари бўлмаганда;

- Банк олдида 1 (бир) ой ёки ундан ортиқ муддат давомида хизматлар тўлови бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда;

- Амалдаги қонунчилигига мувофиқ, шахлар Рўйхатга киритилган холларда Банк томонидан пул маблағлари ёки бошқа мулк билан операциялар ишга солмай тўхтатиб қўйилганда ва/ёки тўхтатиб турилганда (пул маблағларини кирим қилиш бўйича операциялари бундан мустасно).

4.1.10. «ANOR» ТТТ тизимида техник носозликлар юз берган тақдирда, Банк ушбу носозлик бартараф этилганидан кейинги иш куни мобайнида Мижоз ҳисобварагидан маблағларни бир томонлама ҳисобдан чиқариш ҳуқукини ўзида сақлаб қолади.

4.1.11. кўйидаги холларда Шартномани бир томонлама бекор қилиш (унинг ижросини тўлиқ рад этиш):

- Мижоз томонидан шубҳали (гумонли) операциялар амалга оширилган бўлса;

- Пул маблағлари ёки бошқа мулк билан операциялар ишга солмай тўхтатиб қўйилганда ва/ёки тўхтатиб турилганда (пул маблағларини кирим қилиш бўйича операциялари бундан мустасно).

4.2. Мижоз қўйидаги ҳуқуқларга эга:

4.2.1. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, Соглашение ва мазкур Тартибда назарда тутилган холлардан ташқарида, ўзининг ҳисобварагидаги пул маблағларидан мустақил равишда фойдаланиш.

4.2.2. Банкка ўз ҳисобварагидан пул маблағларини ўтказиш учун қонуний топшириқлар бериш («ANOR» ТТТдан фойдаланиш ҳолатларидан ташқари).

4.2.3. Ҳисобвараги бўйича амалга оширилган операциялар тўғрисида маълумот олиш.

4.2.4. Банқдан Иш Қоидалари ҳамда уларга киритилган ўзгаришлар ҳақида маълумот олиш.

V. ВОСИТАЧИЛИК ҲАҚИ ВА УНИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. IBM тизимида Тўлов топшириқномаларини қабул қилиш бўйича хизматлар учун тўлов Банк Тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

5.2. Мижознинг ҳисобварагидан IBM тизимида Тўлов топшириқномаларини қабул қилиш бўйича хизматлар тўлови учун пул маблағларининг ҳисобдан чиқарилиши (ундирилиши) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-модасига мувофиқ акцепсиз тартибда, Мижоз ҳисобварагининг фаоллигидан қатъий назар, ҳар ойда жорий ойнинг 1-санасида амалга оширилади ва бунга Мижоз ўзининг қайтариб олинмайдиган сўзсиз ҳуқукини тақдим этади. Шу билан биргаликда, Томонлар Тартибининг мазкур банди миллий валютадаги банк ҳисобвараги шартномасига қўшимча келишув ҳисобланиши бўйича келишиб олишди.

5.3. Мижознинг ҳисобварагида Банк томонидан кўрсатилган хизматлар бўйича қарздорликни қоплаш учун етарли пул маблағлари бўлмаганида, қарздорликнинг тўланмаган кисми акцептсиз тўлов талабномаси қўйиш орқали 2-сонли картотекага жойлаштирилади ва ушбу талабнома ўрнатилган тартибда ижро қилинади. Кўрсатилган тўлов талабномаси ҳеч қандай қўшимча тасдиқсиз Мижоз томонидан акцептланган бўлиб ҳисобланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, Келишув ва мазкур Тартибга мувофиқ жавобгарликка эга.

6.2. Банк Мижознинг ҳисобвараги бўйича операцияларнинг тўғри акс эттирилиши ва электрон тўловлар тизими орқали ахборотнинг ўз вақтида узатилиши бўйича жавобгарликка эга. Мижоздан олинган ва Банкда дешифрациядан ўтган топшириқлар ижро учун мажбурийдир, мазкур Тартибининг 3.1.3 кичик бандида келтирилган холлар ва ўрнатилган муддатдан кейин юборилган топшириқлар бундан мустасно. Банк томонидан электрон тўловларни амалга оширишнинг қонунчиликда белгиланган муддатлари бузилган тақдирда, у Мижозга ҳар бир кечикирилган кун учун кечикирилган электрон тўлов микдорининг 0.1% и микдорида, лекин кечикирилган электрон тўлов микдорининг 10%идан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлашга мажбур.

Мазкур банднинг амал қилиши Мижознинг “Анор” ТТТ орқали амалга оширилган тўловларига нисбатан тадбик этилмайди.

6.3. Банк Мижоз томонидан Иш қоидаларида назарда тутилган мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда, шунингдек Мижознинг ЭРИ рухсатсиз фойдаланилган, йўқотилган, фош этилганида (махфийлиги йўқотилган) ёки сохталашибилган ҳолларда Мижоз томонидан кўрилган зарар учун жавобгарликка эга эмас.

6.4. Мижоз IBM тизими, шу жумладан «ANOR» ТТТ орқали депозит ҳисобвағидан амалга ошириладиган операцияларнинг қонунийлиги бўйича жавобгарликка эга.

6.5. Мижоз ЭРИ нинг сакланиши ва ундан бегона шахслар фойдаланишидан химоя қилиш бўйича жавобгарликка эга.

6.6. Мижоз электрон ҳисоб-китоб ҳужжатларини шакллантириш, шифрлаш ва алоқа каналлари орқали банкка тақдим этишнинг тўғрилиги бўйича жавобгарликка эга.

VII. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

7.1. Шартнома Мижоз томонидан Ариза берилган пайтдан кучга киради ва Мижознинг миллий ва хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозит ҳисобвараги ёпилгунга қадар амал қиласди.

7.2. Шартнома, Банк олдида қарздорлик йўқ бўлиши шарти билан, Мижознинг ёзма хабарномаси ёки аризасига мувофиқ бир тарафлама бекор қилиниши мумкин. Бунда, Мижоз шартномани бекор қилиш бўйича режаси тўғрисида бекор қилишнинг мўлжалланган санасидан 7 (етти) кун аввал Банкни огоҳлантириши зарур. Шартнома бекор қилингандা, Мижоз ЭРИ калитини топшириши (агар ўзи мустақил равишда олмаган бўлса) ва Қайтариш далолатномасини имзолаши лозим.

7.3. Банк Келишувда ва мазкур Тартибда келтирилган ҳолларда Шартномани бир тарафлама бекор қилишга (Шартноманинг ижросини рад этишга) хақли.

7.4. Шартноманинг бир тарафлама бекор қилиниши тўғрисидаги хабарнома Банк томонидан қофоз ҳужжат орқали юборилади. Шартнома мижозга хабарнома юборилгандан 5 (беш) кун ўтгач бекор қилинган ҳисобланади. Мижозга хабарнома юборилган сана сифатида, хабарнома солинган конверт Республика маҳсус алоқа маркази куръерига топширилган ва/ёки хабарнома Мижозга шахсан топширилган ва/ёки хабарнома почта алоқаси орқали юборилган сана ҳисобланади.

7.5. Шартнома бекор қилингандан ёки тугатилгандан, Банк Тарифларига мувофиқ ундирилган комиссион хақ тўловлари қайтарилилмайди.

7.6. Шартнома билан боғлиқ низолар Томонлар ўртасида музокаралар орқали ҳал этилади. Агар музокаралар орқали низоларни ҳал этиш имкони бўлмагандан, низолар Келишувда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

7.7. Банк ва Мижоз ўртасидаги ушбу Тартиб билан назарда тутилмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва Келишув асосида тартибга солинади.

«Internet Банк-Мижоз» тизимида хизмат кўрсатиш Тартибиға

1-сон Илова

«Капиталбанк» АТБда «Internet Банк-Мижоз» (бундан кейин “iBM”) тизимида фойдаланган ҳолда юридик шахсларга масофавий хизмат кўрсатиш ҚОИДАЛАРИ

1. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур қоидалар “iBM” тизимида фойдаланган ҳолда юридик шахсларга масофавий хизмат кўрсатиш тартибини белгилаб беради ва Томонларнинг хизмат кўрсатишда юзага келадиган ҳукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилаб беради.

1.2. Мазкур Қоидаларда кўйидаги атама ва таърифлардан фойдаланилади:

Банк – «Капиталбанк» Акциядорлик тижорат банки.

Мижозлар – Банк хизматлари истеъмолчилари бўлган юридик шахслар, уларнинг филиаллари, алоҳида балансга ажратилган бошқа алоҳида бўлинмалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари.

Тизим - Мижоз ва Банк ўртасида Интернет глобал компьютер тармоғи (кейинги ўринларда — Интернет) орқали www.bank24.uz манзили бўйича тезкор ҳамкорликни таъминлаш учун мўлжалланган ва ахборот олиш, Мижознинг Топшириқларини шакллантириш, узатиш, рўйхатга олиш ва бажарилишини таъминловчи «iBM» тизими.

Шартнома – «iBM» тизимида хизмат кўрсатиш шартномаси.

Топшириқ – Мижознинг Банк томонидан маълумот тақдим этиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш учун Банкка кўрсатма бериш бўйича Тизимда шакллантирилган сўрови.

Кечикирилган топшириқ - рўйхати Банк томонидан ўрнатиладиган муайян шартлар бажарилганидан кейин ижроси Банк томонидан амалга ошириладиган Банк томонидан рўйхатга олинган Топшириқ;

Электрон рақамли имзо (ЭРИ) –ЭРИ шакллантирилган пайтдан бошлаб, электрон ҳужжатдаги ахборот бузуб кўрсатилмаётганлигини аниқлаш ва имзо электрон рақамли имзо ЭРИ калити сертификати эгасига тегишли

эканлигини текшириш имконини берувчи электрон хужжат. Ушбу реквизит мазмуни ЭРИнинг ёпик қалитидан фойдаланиб ахборотни криптографик қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлади.

Топшириқларни авторизация қилиш — ЭРИ воситаларидан фойдаланишга асосланган жараён бўлиб, унинг максади Топшириқни рўйхатдан ўтказиш чоғида Мижозни қўшимча аутентификациядан ўтказиш, Топширикнинг ҳақиқийлиги, ўзгармаслиги ва яхлитлигини назорат қилиш, Топширикни рўйхатга олиш пайтида Мижознинг Топшириқ муаллифи эканини тасдиқлаш ҳамда Банк томонидан Мижознинг муаллифлигига доир юридик аҳамиятга эга бўлган исботни олишдан иборат.

Фойдаланувчи — Тизимда харакатларни амалга ошириш учун Мижоз томонидан ваколат берилган Мижознинг ходими, Топшиклар Авторизацияси бундан мустасно.

Фойдаланувчи-Оператор — Мижоз томонидан ЭРИни унинг паспорт маълумотларига рўйхатдан ўтказишга, ва мос равишда, ЭРИ ёрдамида Топшириқларни Авторизация қилишга ваколатли Мижознинг ходими.

Аутентификация — рўйхатга олиш маълумотлари ва маҳфий маълумотлардан фойдаланган ҳолда Фойдаланувчи ва/ёки Операторнинг ҳақиқийлигини текшириш;

Аутентификации параметрлари — фойдаланувчи номи, Парол, Электрон калит.

Электрон калит — ҳимояланган USB-flash маълумот ташувчи воситаси кўринишидаги ЭРИни сақлаш қурилмаси. Тегишли дастурий қўшимча (надстройка) билан биргаликда Топшириқларни Авторизация қилишда фойдаланилади.

Plug-in —Интернет браузер учун, ЭРИ топшириқларини авторизация қилишда электрон калит билан ўзаро муносабатга киришувчи дастурий созланма.

Фойдаланувчи номи (Login) — Фойдаланувчи томонидан Тизимга кириш учун берилган маҳсус ўзига хос ном.

Пароль — фойдаланувчи номи билан биргаликда Фойдаланувчини аутентификация қилишда фойдаланиладиган белгилар кетма-кетлиги. Парол кўп марта ишлатилади.

Тасдиқлаш воситасининг компрометацияси (обруқизланиши, эҳтимолий ошкор бўлиши) - Компрометация средства подтверждения — тасдиқлаш воситаси (Парол ёки Электрон калит) бегона шахслар томонидан файланилмаётганлигига ишончнинг йўқолиши.

Амалдаги қонунчилик — Ўзбекистон Республикасининг амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлари, айнан олганда эса қонунлар, қонуности хужжатлар, ратификация қилинган халқаро шартнома ва битимлар, давлат ички шартномалари.

Ахборотни эълон қилиш — маълумотларни ушбу Қоидаларда белгиланган жойларда, бу маълумотлар билан Мижозларни таништириш имкониятини берувчи усуллар билан жойлаштириш. Ахборотни эълон қилиш, уларни мажбурий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш зарурлигини англатмайди.

1.3. Банк мазкур Қоидаларга бир тарафлама ўзгартириш хукукини ўзида қолдиради.

1.4. Банк Тизимга ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

1.5. Юкорида қайд этилган ўзгаришлар эълон қилиниши зарур.

2. Тизимдан фойдаланиш ва бунга рухсат олиш шартлари

2.1. Тизимдан фойдаланиш шартлари бўлиб, Фойдаланувчи томонидан компьютер ва 8.0 версиясидан паст бўлмаган Microsoft Internet Explorer дастуридан фойдаланиш ва Интернетга чиқиш имконияти мавжудлиги хисобланади.

2.2. Банк ўзининг web-сайти орқали Тизимдан фойдаланишга имконият беради.

2.3. Тизимдан фойдаланиш имконияти Фойдаланувчиларга Мижоз ва Банк ўртасида тузилган Шартнома асосида тақдим этилади.

2.4. Мижоз тайинланा�ётган Операторнинг ФИШ ва бошқа паспорт маълумотларини кўрсатган ҳолда расмийлаштирилган тегишли аризани имзолаш ва муҳр билан тасдиқлаш йўли билан, ўзининг бир ёки бир неча ходимларини Оператор сифатида мустақил равишида тайинлайди. Ариза тегишли ходим(лар)нинг паспорти нусхаси билан биргаликда тақдим этилади.

2.5. Электрон калитни олиш учун, Мижознинг тизим Оператори сифатида тайинлаш бўйича аризада кўрсатилган ходими тегишли филиалнинг Корпоратив бизнес бўлимига паспортининг асл нусхаси билан мурожаат қиласди.

2.6. Топшириқларни авторизация қилиш учун Оператор Тизимнинг веб-сайтидан дастурий қўшимчани ўрнатиш (инсталляция) пакетини юклаб олиб, ўз компьютерга ўрнатиши лозим. Ўрнатиш пакети Электрон калитни олиш пайтида Оператор томонидан тақдим этилган ҳар қандай маълумот ташувчи воситага ҳам ёзиб олинган бўлиши мумкин.

2.7. Тизимдан биринчи марта фойдаланиш учун Фойдаланувчига вақтинчалик парол берилади. Ушбу парол Фойдаланувчи томонидан Тизимга биринчи марта уланганидан сўнг ўзгартирилиши мумкин.

2.8. Банк Тизимга кириш имконини Фойдаланувчи аутентификациядан ўтганда беради. Фойдаланувчи Тизимдан Банкнинг ваколатли ходими томонидан рўйхатдан ўтказиш вактида белгиланган хуқуклар доирасида фойдаланади.

2.9. Мижознинг Операторини алмаштириш зарурати туғилганда, амалдаги Операторнинг Электрон қалити тақдим этилган ҳолда ушбу Қоидаларнинг 2.4 ва 2.5-бандлари бажарилади. Мижознинг Фойдаланувчи-Оператори ўзгартирилганда, олдинги Оператор Тизимдан фойдаланишдан четлатилади (блокланади).

2.10. Тизим битта Операторга Мижознинг топшириқларини Банкнинг турли филиаларида авторизация қилиш функциясини белгилаш имконини беради. Бундай ҳолда, тегишли Мижоз 2.4-бандга мувофиқ равиша амалдаги Операторни кўрсатган ҳолда ариза тақдим этади.

2.11. Тизим "кўпчилик-биттага" схемаси бўйича Фойдаланувчи — Мижоз ўзаро муносабатларини ҳам назарда тутади. Битта Мижоз, тарифларга мувофиқ, чексиз сондаги Фойдаланувчилар ва/ёки Операторларга эга бўлиши мумкин. Битта Фойдаланувчи ёки Оператор битта Мижознинг бир ёки бир нечта Банк филиалларидаги маълумотларидан фойдаланиш имконига эга бўлиши мумкин.

2.12. Топшириқларни бажариш шартлари.

2.13. Тизим орқали операцияларни амалга ошириш ва маълумот олиш ташаббускори Мижоз номидан ҳаракат қилувчи Фойдаланувчи ҳисобланади, бунинг учун у тегишли Топшириқларни шакллантиради, Банк эса бунга жавобан талаб қилинган ахборотни тақдим этади, Топшириқларни бажариш учун қабул қиласи ёки уларни рад этади.

2.14. Фойдаланувчининг Топшириқларини бажариш учун қабул қилиш юридик шахслар учун белгиланган банк иш кунига мувофиқ амалга оширилади.

2.15. Топшириқнинг мазмуни ва турига қараб, Фойдаланувчи томонидан берилган Топшириқлар қўйидагиларни талаб қилиши мумкин:

- Операторнинг ЭРИ билан тасдиқлаш;
- Банкка қўшимча электрон ёки қофоз ҳужжатларни тақдим этиш;
- қайта телефон қўнғироғи орқали тасдиқлаш.

3. Хавфсизликни таъминлаш шартлари

3.1. Тизимдан фойдаланишда Мижоз ва Банк ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик Интернет тармоғи орқали Банкнинг pc.bank24.uz ёки www.bank24.uz манзилидаги веб-сайти бўйича амалга оширилади.

3.2. Тизим маълумотларни очиқ алоқа каналлари орқали тақдим этади. Маълумотларни узатиш хавфсизлигини таъминлаш учун SSL (Secure Sockets Layer) протоколи қўлланилади.

3.3. Мижознинг Топшириқлари қўшимча равища Операторнинг ЭРИ билан тасдиқланади.

3.4. Фойдаланувчи ўзининг Аутентификация параметрларини махфий сақлаши ва учинчи шахсларга ошкор этмаслиги шарт.

3.5. Банқда Фойдаланувчи номидан рухсатсиз фойдаланишга уриниш юз бериши эҳтимоли ҳақида етарли асослар мавжуд бўлганда, Банк Фойдаланувчининг Тизимдан фойдаланиш имкониятини вактинча тўхтатиб туриш ёки чеклаш хукуқига эга.

4. Мижозни улаш

4.1. Мижоз Банкнинг веб-сайтида (www.kapitalbank.uz ёки www.bank24.uz) Тизимда хизмат кўрсатиш бўйича Шартнома шаблони ва Фойдаланувчини рўйхатдан ўтказиш бўйича Аризани юклаб олади, чоп этади, тўлдиради ва раҳбар имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқлайди.

4.2. Алтернатив равишида, Мижоз Тизимда рўйхатдан ўтиш учун зарур бўлган ҳужжатларни Банкнинг исталган филиалида олиши мумкин.

4.3. Шартномани имзолаш ҳамда Фойдаланувчини ва/ёки Операторни рўйхатдан ўтказиш ва Тизимга улаш учун зарур амалиётларни амалга ошириш учун Мижоз ҳисобварагларига ҳисоб-китоб-касса хизматлари кўрсатадиган тегишли филиалга мурожаат қиласи.

4.4. Фойдаланувчи иккала томондан имзоланган ва тасдиқланган Фойдаланувчи ёки Операторни рўйхатдан ўтказиш Аризаси (Оператор паспорти нусхаси билан) билан Фойдаланувчи Тизимда рўйхатдан ўтиш учун корпоратив бизнес бўлим мининг ваколатли ходимига мурожаат қиласи.

4.5. Ахборот технологиялари бўлими ходими рўйхатдан ўтиш учун Аризада келтирилган маълумотларга асосан Фойдаланувчини рўйхатдан ўтказади. Login ва вактингчалик парол Ахборот технологиялари бўлими ходими томонидан яратилади.

4.6. Фойдаланувчи-Операторни рўйхатдан ўтказиш чоғида, ахборот технологиялари бўлими ходими Электрон қалитнинг ёпиқ қисмида ЭРИни яратади. Электрон қалитни олиш учун Фойдаланувчи-Оператор ўз паспортини тақдим этиши лозим.

5. Фойдаланувчи-Операторни алмаштириш

5.1. Фойдаланувчи-Операторни алмаштириш зарурати туғилганда, Мижоз Фойдаланувчи-Операторни рўйхатдан ўтказиш учун ЭРИ эгаси ўзгартирилаётганини кўрсатган ҳолда янги Ариза тўлдириши керак.

5.2. Агар янги Оператор учун Тизимдан фойдаланиш даражасига тузатмалар киритилиши лозим бўлса, уларни ҳам аризада қайд этиш лозим.

5.3. Аризага янги Операторнинг паспорти нусхаси илова қилинади.

5.4. Фойдаланувчи-Оператор сифатида белгиланган Мижознинг ходими, иккала томон имзолаган Ариза, паспорти ва алмаштирилаётган Операторнинг Электрон калити билан биргалиқда корпоратив бизнес бўлимининг ваколатли ходимига мурожаат қилиши лозим. ЭРИ калитини янги Оператор номига қайта яратиш учун корпоратив бизнес бўлими ходими ОКБ ходими Электрон калитни Ариза билан бирга беради.

5.5. Олдинги Операторнинг Тизимга кириш (Тизимдан фойдаланиш) имкони бекор қилинади (блокланади).

6. Паролни бекор қилиш

6.1. Агар Фойдаланувчинг паролини бекор қилиш зарурияти пайдо бўлса (паролни унутган, ошкор қилиб қўйган ва х.к.), Фойдаланувчи Банкка шахсан мурожаат қилиши ёки фойдаланувчиларни қўллаб-кувватлаш хизматининг ваколатли ходимига телефон орқали қўнғироқ қилиши ва ўз реквизитларини маълум қилиши, ҳамда паролни бекор қилишни сўраши лозим.

6.2. Фойдаланувчиларни қўллаб-кувватлаш хизмати ваколатли ходими янги парол яратади, бу парол электрон почта орқали юборилади ёки Фойдаланувчи Корпоратив бизнес бўлими ходим идентификация қилинганидан сўнг вақтинчалик паролга ўзгартирилади.

7. Мобил телефон рақами, электрон почта, кириш даражаси, ҳисобвараклар ва бошқа реквизитларни ўзгартириш

7.1. Фойдаланувчи рўйхатдан ўтказилганида кўрсатилган, мобил телефон рақами, электрон почта манзили, тизимдан фойдаланиш даражаси, фойдаланиладиган ҳисобвараклар, Операторнинг паспорт маълумотлари ва бошқа шу каби ўзгартириш Фойдаланувчининг ваколатига кирмайдиган маълумотларни ўзгартириш зарурияти пайдо бўлганда, Мижоз Фойдаланувчи-операторни рўйхатдан ўтказиш бўйича янги Ариза тўлдириши, бунда реквизитларга тузатма киритилаётганини кўрсатиши лозим.

7.2. Аризада Фойдаланувчини идентификацияловчи маълумотлари ва тузатилиши лозим бўлган реквизитлар кўрсатилади.

7.3. Мижоз раҳбари томонидан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган Ариза билан биргалиқда корпоратив бизнес бўлимининг ваколатли ходимига мурожаат қилиши лозим.

7.4. Реквизитларга тузатишлар Тизимга факат Аризада кўрсатилган маълумотларга мувофиқ киритилади.

8. Тизимдан фойдаланиш имконини таъқиқлаш (блоклаш) ва тиклаш

8.1. Барча Фойдаланувчилар учун Тизимдан умумий фойдаланиш имконини таъқиқлаш заририяти пайдо бўлганда, раҳбар Тизимдан умумий фойдаланиш имконини таъқиқлаш бўйича ариза расмийлаштиради.

8.2. Аризага мувофиқ, Банкнинг ваколатли ходими тегишли Мижознинг барча фойдаланувчиларига Тизимдан фойдаланишига таъқиқ кўяди (блоклайди).

8.3. Умумфойдаланиш имкониятини тиклаш (таъқиқдан чиқариш) учун, ташкилот раҳбари киришни умумфойдаланишни тиклаш тўғрисида Ариза расмийлаштиради. Умумфойдаланиш имконияти тикланганда, тегишли Мижознинг барча фойдаланувчилари учун фойдаланиш имконияти тикланади.

9. Тизимда хизмат кўрсатишни тўхтатиш

9.1. Шартнома бекор қилинганда, Мижозга Тизим орқали хизмат кўрсатиш тўхтатилади ва Банкнинг ваколатли ходими Мижознинг Фойдаланувчиларининг Тизимдаги фаолиятини бекор қиласи (блоклайди). Мижоз калитни қайтариш тўғрисидаги далолатномани расмийлаштиради ва Банкка калитни қайта топширади.

іВМ тизими учун ЭРИ қурилмасини қабул қилиш-топшириш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

« » 202 й.

“Капиталбанк” АТБ _____ филиали (бундан кейин “Банк”) номидан “_____” йилдаги _____ -сонли Ишончномага асосан харакат қилувчи _____ бир томондан, ва <NAME> (бундан кейин “Мижоз”) номидан _____ га асосан харакат қилувчи <J_DIRECTOR_NAME> бошқа томондан, мазкур далолатномани қуйидаги мазмунда туздик:

1. Банк ЭРИ _____ қурилмасини Мижозга топширди, Мижоз эса уни қабул қилиб олди.

SN _____

2. Банкнинг Мижоз олдидаги мажбуриятлари электрон хужжат айланиши Қоидаларига тўлиқ мувофиқ ҳолда бажарилди, Мижозда эътирозлар мавжуд эмас.

Калитни тақдим этди АТ: _____

Калитни олди Етказиб берувчи (куръер): _____

Калитни берди Куръер: Етказиб берувчи (куръер): _____

Калитни олди Фойдаланувчи: _____

Томонларнинг имзолари:

БАНК

МИЖОЗ

(имзо, фамилия, инициаллар)

(имзо, фамилия, инициаллар)

M.Ў.

M.Ў

«Internet Банк-Мижоз» тизимида хизмат кўрсатиш бўйича
____ йилдаги ____ -сонли Шартномага
2-сон Илова

іВМ тизими учун ЭРИ қурилмасини қабул қилиш-топшириш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

« » 202 й.

“Капиталбанк” АТБ _____ филиали (бундан кейин “Банк”) номидан “_____” йилдаги _____ -сонли Ишончномага асосан харакат қилувчи _____ бир томондан, ва <NAME> (бундан кейин “Мижоз”) номидан _____ га асосан харакат қилувчи <J_DIRECTOR_NAME> бошқа томондан, мазкур далолатномани қуйидаги мазмунда туздик:

1. Банк ЭЦП ePass 2003 қурилмасини Мижозга топширди, Мижоз эса уни қабул қилиб олди.

SN _____

2. Банкнинг Мижоз олдидағи мажбуриятлари электрон хужжат айланиши Қоидаларига тўлиқ мувофиқ ҳолда бажарилди, Мижозда эътирозлар мавжуд эмас.

Калитни тақдим этди АТ: _____

Калитни олди Етказиб берувчи (куръер): _____

Калитни берди Куръер: Етказиб берувчи (куръер): _____

Калитни олди Фойдаланувчи: _____

Томонларнинг имзолари:

БАНК

МИЖОЗ

(имзо, фамилия, инициаллар)

(имзо, фамилия, инициаллар)

М. Ў.

М. Ў

«Internet Банк-Мижоз» тизимида хизмат кўрсатиш бўйича
____ йилдаги ____ -сонли Шартномага
3-сон Илова

Логин:

iBK тизими ва Uzum Business|Kapitalbank мобил иловасида,
тизимдан фойдаланувчини улаш/ўзгартириш учун Ариза

Уланиш

Ўзгартириш

Ўчириш

Мижознинг номи: <NAME>

Мижознинг коди: <ID_CLIENT>

Филиал МФО: <BRANCH>

Фойдаланувчи ФИШ:

Махфий сўз:

Рухсат олиш iBK Mobile дан фойдаланишга

Кўриш (ЭРИ калити шарт эмас)

Хужжатларни жўнатиш* (ЭРИ калитини бериш
(*- Фойдаланувчи паспорти нусхаси илова қилинади)

Хужжатларни жўнатиш (мавжуд ЭРИ калитига улаш) Калит S/N _____
Филиал банк коди МФО * _____

(*-калитни берган филиал)

Мобил телефон:

+998

iBM тизими Иш қоидалари билан танишман

e-mail:

Сана:

Томонларнинг имзолари:

БАНК

МИЖОЗ

(имзо, фамилия, инициаллар)

М.Ү.

(имзо, фамилия, инициаллар)

М.Ү.

«Internet Банк-Мижоз» тизимида хизмат кўрсатиш бўйича
йилдаги _____-сонли Шартномага
3-сон Илова

iBK тизими ва Uzum Business|Kapitalbank мобил иловасида,
тизимдан фойдаланувчини улаш/ўзгартириш учун Ариза

Уланиш

Ўзгартириш

Ўчириш

Мижознинг номи:

<NAME>

Мижознинг коди:

<ID_CLIENT>

Филиал МФО: <BRANCH>

Фойдаланувчи ФИШ:

Махфий сўз:

Рухсат олиш iBK Mobile дан фойдаланишга

Кўриш (ЭРИ калити шарт эмас)

Хужжатларни жўнатиш* (ЭРИ калитини бериш
(*- Фойдаланувчи паспорти нусхаси илова қилинади)

Хужжатларни жўнатиш (мавжуд ЭРИ калитига улаш) Калит S/N _____
Филиал банк коди МФО * _____ (*-калитни берган филиал)

Мобил телефон:

+998

iBM тизими Иш қоидалари билан танишман

e-mail:

Сана:

Томонларнинг имзолари:

БАНК

МИЖОЗ

(имзо, фамилия, инициаллар)

(имзо, фамилия, инициаллар)

М.Ү.

М.Ү.

«Internet Банк-Мижоз» тизимида хизмат кўрсатиш Тартибига
4-сон Илова

iBM тизими учун ЭРИ қурилмасини қайтариш

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

«_____» 202__ й.

“Капиталбанк” АТБ _____ филиали (бундан кейин “Банк”) номидан “_____” йилдаги _____-сонли
Ишончномага асосан харакат қилувчи _____ бир томондан, ва
<NAME> (бундан кейин “Мижоз”) номидан _____ га асосан харакат қилувчи
<J_DIRECTOR_NAME> бошқа томондан, мазкур далолатномани қуидаги мазмунда туздик:

1. Мижоз ЭРИ _____ қурилмасини Банкка топширди, Банк эса уни қабул килиб олди.

SN _____

2. Банкнинг Мижоз олдиаги мажбуриятлари электрон хужжат айланиши Қоидаларига тўлиқ мувофиқ ҳолда бажарилди, Мижозда эътиrozлар мавжуд эмас.

Калитни қабул қилди: _____

Калитни топширди: _____

ФИШ

подпись

ФИШ

подпись

Томонларнинг имзолари:

БАНК

(имзо, фамилия, инициаллар)

М.Ў.

МИЖОЗ

(имзо, фамилия, инициаллар)

М.Ў